МЕХАНИЗАТОРЛАР—ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ОТРЯДИ

Бугун Тошкентда республика механизаторларининг традицион съезди очилади. Съезд қатнашчиларига алангали салом!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 177 (2210). | 5 сентябрь, чоршанба, 1962 йил.. | Баҳоси 2 тийин.

Сирдарё районидаги Ильич номли колхознинг механизаторлари «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг устахонасидан тайёр бўлган машиналарни ўз қишлоқларига ҳайдаб келмоқдалар. Суратда: (чапдан) ўз агрегатлари ни мавсумга шайлаб қўйган механик-ҳайдовчилардан М. Ҳалилов, С. Хошимов ва М. Қамбаров ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

САМИМИЙ ТАШАККУР

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи космонавт учувчилар — совет халқи жасур фарзандлари Андриян Григорьевич Николаев ва Павел Романович Поповичларнинг космик фазога ўз мураккаблиги ва давомлилиги жиҳатидан мислсиз ва группа бўлиб кўп кунлик парвозини жаҳонда биринчи марта порлоқ суратда амалга оширгланлиги муносабати билан, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига мамлакатимизнинг давлат, партия, жамоат ва илмий ташкилотларидан ҳамда айрим гражданларидан, чет эллардаги коммунистик ва ишчи партиялардан, давлат, жамоат арбобларидан, фан ва маданият арбобларидан ҳамда айрим кишилардан жуда кўп табрикномалар, табрик телеграммалари ва хатлар келди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети космонавт учувчилар А. Г. Николаев ва П. Р. Попович ўртоқларнинг қаҳрамонона зафари муносабати билан, совет фани ва техникасининг буюк ғалабаси муносабати билан совет халқига, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига йўллаган табриклари ва яхши тилаклари учун мамлакатимиздаги ва чет эллардаги барча давлат, партия, жамоат ва илмий ташкилотларга, давлат ва жамоат арбобларига, фан ва маданият намояндаларига, барча гражданларга энг самимий миннатдорчилик ва қизғин ташаккур изҳор қиладилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети шу нарсага чуқур аминдирларки, Совет Иттифоқининг барча халқлар томонидан зўр қувонч ва хурсандлик билан кутиб олинган бу янги оламшумул-тарихий ютуғи бутун дунёда тинчлик манфаатларига ва инсоният тараққиётига хизмат қилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ КУБАНДА

Кубань — мамлакатимизнинг йирик қишлоқ хўжалик райони. Бу ўлкадаги колхоз ва совхозлар дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятларга эга. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев якинда Кубанда бўлди. Бу — Никита Сергеевич Хрушчевнинг Кубань станицаларига биринчи марта келиши эмас. Кейинги йилларда Никита Сергеевич Хрушчев бу ерда бир неча марта бўлди. Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатлари, таклифлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини кескин суратда юксалтириш учун курашда қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам бермоқда.

Н. С. Хрушчев Темрюк районига келди. Ғаллакорлар, чорвадорлар, токчи соҳибкорлар азиз меҳмонни самимий табрикладилар. Улар Таманда узумчилик қандай ривожланаётганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Ҳозирги вақтда бу ерда 18 минг гектардан кўпроқ майдон, яъни 1957 йилдагига нисбатан етти баравар кўпроқ майдон токзорларга, айлантирилган. Қишлоқ меҳнаткашларининг бутун кучғайрати Ватанимизга кўпроқ мева тайёрлаб беришга, бу йил узумнинг ялпи ҳосилини 45—50 минг тоннагача етказишга қаратилган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев «Азовски», «Голубая бухта», «Россия» совхозларининг ишлари билан танишди, маккажўхори, кунгабоқар майдонлари, токзорларни кўздан кечирди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Кубань бўйлаб қилган саёҳатида ВКП(б) Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари Г. И. Воробьев, ўлка ижроия комитетининг раиси И. Т. Трубилин унга ҳамроҳ бўлдилар.

Ахтанизовский станицасида самимий кутиб олиш маросими бўлди. Н. С. Хрушчев бу ерларда гражданлар уруши вақтида оқгвардиячиларни тор мор келтириш ва уларни Кубань ерларидан ҳайдаб чиқаришда қатнашган эди.

Станица аҳолиси билан ҳозирги учрашув ғоят самимий вазиятда ўтди. Н. С. Хрушчев қишлоқ меҳнаткашлари билан суҳбат вақтида халқаро аҳвол тўғрисида. Совет давлати куч-қудрати ва обрўсининг ўсиб бораётганлиги ҳақида, бизнинг мамлакатимизда коммунистик қурилиш улуғвор плани муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлиги тўғрисида гапирди.

Кубань деҳқонлари шу кунларда Ватанга 160 миллион пуд дон беришдан иборат ўз мажбуриятларини бажариш учун кураш олиб бормоқдалар. Ҳозирги вақтда кубанликлар ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 25,4 центнердан дон ва бир миллион гектардан кўпроқ майдоннинг ҳар гектаридан 26,4 центнердан бўғдой олдилар. Колхоз ва совхозлар 1 сентябргача Ватаннинг ғалла омборларига 115,9 миллион пуд ғалла тўкдилар. Давлатга ўтган йилдагидан 35 миллион пуд кўпроқ бўғдой сотилди. Ҳозирги вақтда маккажўхори ва шоли йиғиштириб олинмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ўлка ташкилотлари раҳбарлари билан қилган суҳбатида Кубань хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга таллуқли энг муҳим масалаларга тўхталиб ўтилди. Краснодар ўлкаси деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун жуда катта резервларга эга эканлигига алоҳида эътибор берилди. Колхоз ва совхозлар ўзларининг асосий бойлиги— жанубдаги маҳсулдор қора тупроқ ерлардан интенсивроқ фойдаланишлари лозим. Зах ерларни қуритиш ва суғориш каби муҳим резервлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Н. С. Хрушчев маккажўхори етиштиришни тобора механизациялаштириш, новаторларнинг тажрибасини ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш тўғрисида совхоз ва колхозларнинг, ўлка ташкилотларининг раҳбарларига бир қанча маслаҳатлар берди ва ўз истакларини изҳор қилди.

Кубань меҳнаткашлари Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатларини жиддий эътибор билан тингладилар. Улар партия XXII съездининг қарорларини муваффақиятли суратда амалга оширишга ва мамлакатимизда коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳиссаларини қўшишга тайёр эканликларини билдирдилар. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВнинг олимларнинг халқаро Пагуош конференцияси қатнашчиларига мактуби

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев олимларнинг қуролсизланиш, умумий хавфсизлик ва илмий ҳамкорликка бағишлаб Лондонда очилган халқаро Пагуош конференцияси қатнашчиларига мактуб юборди. Совет ҳукуматининг бошлиғи бу мактубида конференция қатнашчиларини Совет ҳукумати ва шахсан ўз номидан самимий табриклайди. Инсоният деб ёзади Н. С. Хрушчев кўпгина илмий кашфиётлар ўзига қарши қаратилаётган, бу кашфиётлардан халқларнинг бошига ва уларнинг цивилизациясига мудҳиш вайронгарчилик келтирувчи куч билан ёпириладиган қурол-яроғлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган серташвиш бир даврни бошидан кечирмоқда.

Мана шундай шароитда холис ниятли кишилар ва айниқса олимлар зиммасига тарих ва инсоният олдида жуда катта масъулият юклатилади. Шуни кўриш қувончлики, барча қитъалардаги машҳур фан арбобларини бирлаштирувчи Пагуош ҳаракати жаҳон жамоатчилигининг фикрини умумий қуролсизланиш учун, кирғинчиликдан иборат термоядро урушининг олдини олиш учун курашга сафарбар этиш соҳасида зўр бериб куч-ғайрат сафламоқда. Термоядро урушининг ҳалокатли оқибатларини яққол тасаввур қилиб турган олимлар тинчлик учун курашда муҳим ва фахрли роль ўйнашлари кераклиги мактубда уқтириб ўтилади.

Совет халқи ва унинг ҳукумати, деб таъкидлайди шировардида Н. С. Хрушчев, янги жаҳон урушига йўл қўймаслик, ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришиш, планетамизда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўра берадилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси қуролсизланиш ва тинчлик учун курашдан иборат олижаноб ишда коференция қатнашчиларига зўр муваффақиятлар тилайди.

КПСС партия ходимлари делегацияси Болгарияга жўнаб кетди

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси Раисининг биринчи ўринбосари А. П. Кириленко бошчилигидаги КПСС партия ходимлари делегацияси 4 сентябрда Москвадан Софияга жўнаб кетди.

Мажбуриятлар шараф билан бажарилди

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Қозоғистоннинг Уральск области меҳнаткашларига табрик йўллардилар. Бу табрикда областнинг давлатга дон сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарганлиги зўр мамнуният билан таъкидланади. Давлатга 56 миллион пуд дон сотилди, бу эса планда белгиланганига нисбатан 25,5 миллион пуд ортиқдир.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Уральск области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини дон етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришда эришган муваффақиятлари билан самимий табриклайдилар. (ТАСС).

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети область Советининг барча депутатларига маълум қиладики, область Советининг VIII сессияси 7 сентябрдан 10 сентябрга кўчирилади.

Сессия 1962 йил 10 сентябрь куни эрталаб соат 11 да «Узгоэстрада» театри биносида (Навоий кўчаси 55—уй) очилади.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

Пахта териш машиналаринининг механик-ҳайдовчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз, совхозлар раҳбарларининг 1962 йилда пахтани машиналар билан териш юзасидан олган

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент областининг пахтакорлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ қилабориб, 1962 йилда зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш йилида талайгина ишларни амалга оширдилар. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг самарали меҳнатлари туфайли далаларда мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилди. Тошкент областининг колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бу йил она-Ватанга 503 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Бу юксак мажбуриятни бажаришнинг энг муҳим шарт-шароитларидан бири қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамма жараёнларини тобора кенгроқ механизациялаштириш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтиришдан иборат.

Партиямиз қишлоқ хўжалигидаги ҳамма ишларни комплекс механизациялаштириш йўлидан бормоқда. Меҳнат унумдорлигини оширмасдан, шу жумладан пахтачиликдаги, деҳқончиликдаги иш жараёнларини комплекс механизациялаштирмасдан туриб мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўллигини таъминлаш мумкин эмас. Ҳар бир кун эмас ҳатто ҳар бир соат ғанимат бўлган пахта йиғим-терими мавсумида механизация кучидан унумли фойдаланиш энг муҳим вазифадир.

Колхоз ва совхозлар йил сайин кўплаб тракторлар, пахта териш, кўрак териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари олмоқдалар. Бу техниканинг кучи билан ҳозир қишлоқ хўжалигидаги ҳамма оғир ишларни бажариш мумкин.

Областимизнинг айрим колхоз ва совхозлари 1961 йилда пахтани машиналар билан теришда жуда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Сирдарё районидаги «Малик» совхозида пахта териш машиналаридан юқори унум билан фойдаланилди. Натижада совхоз механизаторлари ялпи пахта ҳосилининг 4108 тоннасини ёки 78 процентини машиналар билан териб олдилар. Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозида машиналар билан 5365 тонна ёки 53,7 процент ҳосил териб олинди. Янгиер районидаги 1-«Боёвут» совхозида машиналар билан терилган пахта ялпи ҳосилининг 46,5 процентини ташкил этди. Республикамизнинг энг йирик машъал хўжаликларидан бири бўлган Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхозда эса хирмонга «Зангори кема»ларнинг бункеридан 685 тонна пахта тўкилди Комсомол районидаги «XXI партсъезд». Пискент районидаги Хрушчев номли колхозлар ва бошқа хўжаликлар ҳам машина терими планини шараф билан бажардилар.

1961 йилда пешқадам механик-ҳайдовчиларимиз машиналар билан пахта теришнинг белгиланган нормаларини анча ортиги билан адо этдилар. Жумладан, Чиноз районидаги Киров номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова 272,4 тонна, Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова 160 тонна, «Малик» совхозидан Жавод Кўчиев 252 тонна, 2-«Боёвут» совхозидан Насиб Бекиров 172 тонна, Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозидан Жўра Шукуров 176 тонна пахта териб эл хирмонига тўкди.

Ўрта Осиё машина синаш станциясининг комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко пахтачиликни комплекс механизациялаштиришга ва етиштирилган ҳамма ҳосилни фақат машиналар билан териб олишга муваффақ бўлди.

Лекин умуман область бўйича машина терими қониқарли ташкил этилмади, мавжуд пахта териш машиналаридан кўнгилдагидек фойдаланилмади. Бу эса ҳосилнинг бир қисмининг исроф бўлишига ва пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилмай колишига асосий сабабчи бўлди.

Бизнинг вазифамиз пахта териш машиналаридан унумли фойдаланишда ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик ва бу йил машина теримини намунали ташкил этиб, давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат. Кўпчилик хўжаликларда ҳозирданоқ машина теримини муваффақиятли ўтказишнинг тадбирлари ишлаб чиқилди. Жумладан «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг коллективи етиштирилган пахтани қиска муддат ичида йиғиб-териб олиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, меҳнат сарф харажатларини камайтириш шудгорлаш учун далаларни вактида бўшатиб беришни ўз олдига муҳим вазифа қилиб қўйди. Хисоб-китоблар шуни кўрсатдики, бу йил совхозда машина терими ушқоқлик билан ўтказилса, қудратли агрегатлар билан зиммага олинган социалистик мажбуриятдаги 8 минг тонна пахтани териб олиш мумкин.

Бу совхознинг механик ҳайдовчилари машина теримини муваффақиятли ўтказишни назарда тутиб, ўз имкониятларини пухта ҳисоблаб чиқдилар ва зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Жумладан механик-ҳайдовчилардан Курош Алиев 200 тонна, Маҳмуд Хусанов 180 тонна, Идрис Дудаков 180 тонна, Ҳожи Ниёзов 170 тонна, Анор Азизхўжаев 180 тонна, Сервер Женалиев 180 тонна пахта теришга сўз берди.

Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг меҳнаткашлари ҳам машина теримини намунали ўтказиш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқдилар. Бу қишлоқ хўжалик артелининг сергайрат механик-ҳайдовчиларидан Турғун Қорабоев 200 тонна, Абдулла Бураметов 190 тонна, Тилла Холбоев 200 тонна, Тожибой Келдибеков 190 тонна, Исмоил Алимов 185 тонна, Жўрабой Қувонов 180 тонна ва Махкам Югурбеков 170 тонна «оқ олтин» термокчи.

«ЎзССР беш йиллиги» совхози, «Ленинград» колхози ва пахта териш машиналаринининг илғор механик-ҳайдовчилари бошлаган ажойиб ташаббусни кенг оммалаштириш зарур.

Областимизнинг бошқа механик-ҳайдовчилари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Жумладан, Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозидан Турсуной Раимова 250 тонна, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоздан Назира Ҳайдарова 150 тонна, шу райондаги Ленин номли колхоздан Марям Розиқова 150 тонна, Сирдарё районидаги Ҳамза номли колхоздан Жумабоев 200 тонна, «Оққўрғон» совхозидан Мамашаев 250 тонна, Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозидан Комилов 200 тонна, Комсомол районидаги «Красний Восток» колхозидан Хабибуллаев 200 тонна, «Фарҳод» совхозидан Мустафоев 200 тонна, шу совхоздан Абдуллаев 200 тонна, 2-«Боёвут» совхозидан Насиб Бекиров 200 тонна, «Малик» совхозидан Сайдаметов 200 тонна, Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоздан Саодат Гулаҳмедова 250 тонна, шу колхоздан Абдуллаев 180 тонна, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоздан Насриддинов 210 тонна, «Бўка» совхозидан Бойбўтаев 260 тонна, «ЎзССР беш йиллиги» совхозидан Орзиқулов 260 тонна, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоздан Зуҳра Содиқова 200 тонна пахта теришга аҳд қилди.

Биз область кенгашига йиғилиб бу йилги машина терими мавсумини қандай қилиб намунали ўтказиш тўғрисида батафсил гаплашиб олдик.

Биз пахта йиғим-теримини максимал даражада механизациялаштириш фақатгина етиштирилган ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмай йиғиб-териб олишгагина эмас, балки келгуси йил мўл ҳосили учун ўз вақтида зарур тадбирларни амалга оширишга ҳам имкон беришини яхши тушунамиз.

Пахта йиғим-терими —мўл ҳосил кўтариш учун олиб борилаётган курашнинг ҳал қилувчи босқичидир. Шунинг учун ҳам биз механизаторлар ўз ишимизнинг нақадар масъулиятли эканлигини ҳис этиб зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз:

1. Давлатга 503 минг тонна пахта сотишни таъминлаш учун бор куч-ғайратимиз билан ишлаб, жуда қисқа муддат ичида йиғим-теримга тайёргарликни тугаллаймиз ва машина терими жадал суръатлар билан бошлаб юборамиз.

2. 30—35 иш кунида ҳар бир «ХВС-1,2» машинаси билан камида 120 тоннадан, «СХМ-48М» машинаси билан 70 тоннадан пахта терилишини таъминлаймиз. Ҳаммаси бўлиб машиналар билан камида 140 минг тонна «оқ олтин»ни териб оламиз.

3. Яқин кунлар ичида пахтаси машиналар билан териб олиниши керак бўлган участкаларни яна бир бор текшириб чиқамиз. Пахта териш машиналаридан юқори унум билан фойдаланиб бўлмайдиган карталар ўрнига бошқа участкаларни ажратамиз.

Ҳар бир пайкални текшираётган пайтимизда ҳосилга ҳоҳосил қўшиш ва пахтани тез етилтириш учун зарур агротехника тадбирларини белгилаймиз.

Машиналар ишлайдиган далаларда ёввойи ўтларнинг бўлишига сира йўл қўймаймиз.

4. 10—15 ишчи кунида ғўза баргларини тўктирамиз ва машина теримига ажратилган ҳамма майдонларда дефолиация 25 сентябрдан кечикмасдан тугаллаймиз.

Ғўза баргларини тўктиришни айрим колхозлар, совхозлар ва пахта далалари бўйича ўсимлик ривожланишининг ҳолатига қараб бошлаймиз ва тугаллаймиз.

5. Машиналарни яхши билиш, уларни созлайбилиш агрегатларни сира қаровсиз қолдирмаслик — пахта териш машиналаринининг меҳнат унумдорлигини ошириш ва терилган пахтанинг сифатини яхшилашнинг энг асосий омилларидан биридир.

Шунинг учун ҳамма колхоз ва совхозларда терим агрегатларини ишлатиш қоидалари ва машина теримини ташкил қилишни механик-ҳайдовчилар қандай ўзлаштириб олганликларини яна бир марта текшириб чиқамиз.

6. Яқин кунлар ичида пахта териш ва кўсак чувиш машиналари ремонтини тугаллаймиз. Бу мақсадда тезлик билан ўзаро ёрдам кўрсатадиган ремонт бригадалари ташкил этамиз ва машиналари ремонт қилишга қўшимча равишда механик-ҳайдовчилар, колхозчилар ва совхоз ишчиларини жалб этамиз.

Биз пахта териш машиналарини запас қисмлар, ремонт материаллари билан таъминлаш учун зарур чораларни кўрамиз.

7. Пахта йиғим-терими бошлангунига қадар ҳамма йўлларни тайёрлаймиз, ўқариқларни кўмамиз, пахтани қоп-қаноксиз ташийдиган транспорт воситалари ва трактор прицепларини ҳозирлаймиз.

15 сентябрдан кечикмасдан машиналар ишлайдиган майдонларда агрегатлар қайтадиган жойларни текисламиз, шунингдек асфальтланган хирмонлар ва кўсак чувиш машиналарини ҳам тўла шайлаб қўямиз.

8. «ЎзССР беш йиллиги» совхози, «Ленинград» колхози ва машина терими илғорларининг ташаббусларига амал қилиб, пахта териш машиналаринининг группа-группа бўлиб ишлашини таъминлаймиз. Группа бўлиб ишлайдиган ҳар бир агрегат ўзига биркитилган участкадагина пахта теради, механик-ҳайдовчи эса далада пахтани сира қолдирмай териб олиш тўғрисида қайғиради.

9. Далада ишлаётган машиналарга техника хизматини кўнгилдагидек ташкил этамиз. Бунинг учун колхоз, совхозлар ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаларидаги мавжуд автопередвижкаларнинг ҳаммасини ишлатамиз.

Биз аминмизки, агар пахта териш машиналарини юқори унум билан ишлатиш йўлида ҳамма механик-ҳайдовчилар, агрономлар, барча бригадаларнинг бошликлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг мутахассислари, пахта териш машиналари яратаётган саноат ишчилари ўзаро социалистик мусобакани авж олдирсалар олдимизга қўйилган муҳим вазифаларнинг ҳаммаси сўзсиз бажарилади.

Биз механик-ҳайдовчилар, колхоз ва совхозларнинг ходимлари зиммамизга ушбу мажбуриятни олар эканмиз уни шараф билан бажарамиз, деб ваъда берамиз.

Зиммамизга олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши колхоз ва совхозларда 503 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратиш учун олиб борилаётган курашга катта ҳисса қўшишини жуда яхши тушунамиз.

Колхоз, совхозларнинг ҳамма механик-ҳайдовчиларини бизнинг ташаббусимизга қўшилишга ва пахта териш машиналаридан унумли фойдаланишда социалистик мусобақага қўшилишга чакирамиз.



Бекободдаги В. И. Ленин ном ли металлургия заводида пўлатни узлуксиз қуйиш установкаси монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди. Баландлиги 36 метр келадиган бу мураккаб агрегат ягона марказий пультдан бошқарилади. Суратда: пўлатни узлуксиз қуядиган янги установканинг умумий кўрниши.

А. Умаров фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Гражданлар томонидан меҳнатсиз даромад ҳисобига қурилган ёки сотиб олинган уйлар, дачалар ва бошқа иморатларни ҳақ тўламасдан олиш тўғрисида

Жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг коллективларидан давлат органларига келаётган материалларда баъзи бир шахсларнинг меҳнатсиз даромадлар ҳисобига, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари, колхозлар, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг маблағларидан ғайри қонуний равишда фойдаланиш йўли билан уйлар, дачалар ва бошқа иморатлар қуриб олаётганликлари ёки сотиб олаётганликлари ҳақидаги маълумотлар баён қилинмоқда. Жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг коллективлари ана шундай шахсларнинг харакатларидан адолатли равишда дарғазаб бўлаётганликларини изҳор этмоқдалар ҳамда бундай уйларни, дачаларни ва бошқа иморатларни меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг коммунал фондига, колхозларга, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига олиб беришни таклиф килмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми айрим гражданларнинг жамиятга зарар келтирувчи бу хилдаги ҳаракатларининг олдини олиш ҳамда келгусида меҳнатсиз даромадлар ҳисобига уйлар, дачалар ва бошқа иморатлар қуриб ёки сотиб олинишига йўл қўймаслик мақсадида **карор қилади:**

1. Белгиланисинки, гражданлар томонидан меҳнатсиз даромадлар ҳисобига, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари, колхозлар ҳамда бошқа кооператив ва жамоат ташкилотларининг маблағларидан ғайри қонуний равишда фойдаланиш йўли билан қурилган ёки сотиб олинган уйлар, дачалар ва бошқа иморатлар ҳақ тўламасдан олиниб, меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Советининг коммунал фондига, колхозга ёки бошқа кооператив ва жамоат ташкилотига топширилади.

2. Меҳнаткашлар депутатлари р а й о н, шаҳар Советларининг ижроия комитетларига айрим шахслар томонидан меҳнатсиз даромадлар ҳисобига қурилган ёки сотиб олинган уйлар, дачалар ва бошқа иморатлар тўғрисидаги мавжуд материалларнинг синчиклаб текшириб кўрилишини таъминлаш, шу мақсадда Советнинг депутатлари, коммунал ва молия органлари, кооператив, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат комиссиялар тузиш вазифаси топширилсин.

Текшириш натижалари ва комиссиянинг хулосаси меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Совети ижроия комитети томонидан кўриб чиқилади, меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Советининг ижроия комитети текшириш материалларини асослар бўлган тақдирда район, (шаҳар) халқ судига юбориш тўғрисида қарор қабул килади.

3. Меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Советининг ижроия комитети иморат кайси манбадан олинган маблағлар ҳисобига қурилганлигини ёки сотиб олинганлигини текшираётган вақтда, шунингдек суд иморатни ҳак тўламасдан олиш масаласини ҳал қилаётган вактда иморатнинг эгаси текшириш материаллари билан танишиш, изоҳатлар бериш, ўз далилларини тасдиклаш учун ҳужжатлар ва бошқа далиллар тақдим қилиш ҳуқуқига эгадир.

4. Меҳнатсиз даромадлар ҳисобига курилган ёки сотиб олинган уйлар, дачалар ва бошқа иморатларни гражданлардан ҳак тўламасдан олиш ҳақидаги материалларни район (шаҳар) халқ суди прокурорнинг ва жамоат ташкилотлари вакилларининг иштироки билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқади.

Халқ суди уй, дача ва бошқа иморатлар меҳнатсиз даромадлар ҳисобига, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари, колхозлар, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг маблағларидан ғайри конуний равишда фойдаланиш йўли билан қурилганлиги ёки сотиб олинганлигини аниқласа, ана шу иморатларни ҳақ тўламасдан олиш ҳамда уларни меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Советининг коммунал фондига, колхозга ёки бошқа кооператив ва жамоат ташкилотига топшириш ҳақида карор қабул килади. Халқ суди шу карори билан иморатнинг илгариги эгасини ва у билан бирга истиқомат қилаётган шахсларни олинган уй, дача ва бошқа иморатлардаги уй-жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум кила олади. Кўчирилаётган кишиларнинг бошқа уй-жой биноси бўлмаган тақдирда уйга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган ташкилот уларга мавжуд нормалар асосида уй-жой беради.

5. Агар меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Советининг ижроия комитети ёки халқ суди айрим шахслар томонидан меҳнатсиз даромадлар ҳисобига иморатлар қуриб ёки сотиб олинганлиги ҳақидаги материалларни текшириш ва кўриб чиқиш вақтида бу шахсларнинг жиноий ишларининг аломатларини аниқласа, шундай шахслар тўғрисидаги материаллар тергов ўтказиш учун прокурорга юборилиши керак.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ

1962 йил, 3 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗГАН ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ

А Х Б О Р О Т И

41-ТЎҚИМАЧИЛАР САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА

2-сентябрь, якшанба куни 41-Тўқимачилар сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайланди.

Сайловлар сиёсий кўтаринкилик ва зўр уюшқоқлик руҳида ўтди.

Овоз беришда умумий сайловчиларнинг 99,75 проценти иштирок этди.

Депутатликка номзод учун сайловларда қатнашган умумий сайловчиларнинг 99,8 проценти овоз берди.

Округ сайлов комиссияси сайлов участкалари бўйича ўтказилган овоз бериш материалларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳақидаги Низомининг 38-моддасига мувофиқ, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **Петр Васильевич Каймаковни** 41-тўқимачилар сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб рўйхатга олди.

73-ҚАТОРТОЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА

1962 йил 2-сентябрь, якшанба куни 73-Қатартол сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий советига депутат сайлаш юзасидан сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловлар сиёсий кўтаринкилик ва зўр уюшқоқлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлашда сайловчиларнинг 100 проценти иштирок этди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод учун сайловларда қатнашган умумий сайловчиларнинг 99,99 проценти овоз берди.

Округ сайлов комиссияси сайлов участкалари бўйича материалларни қараб чиқиб, «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳақидаги Низом»нинг 38-моддасига мувофиқ, Калинин районидаги «XX партсъезд» колхозининг бригадири **Каюм Азимовни** 73-Қатортол сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб рўйхатга олди.

83-ЭСКИ-ТОШКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА

1962 йил 2 сентябрь, якшанба куни 83-Эски-Тошкент сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлаш юзасидан сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловлар сиёсий кўтаринкилик ва зўр уюшқоқлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлашда сайловчиларнинг 100 проценти иштирок этди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод учун сайловчиларнинг 100 проценти овоз берди.

Округ сайлов комиссияси сайлов участкалари бўйича материалларни қараб чиқиб, «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳақидаги «Низом»нинг 38-моддасига мувофиқ, Тошкент партия комитетининг секретари **Александр Меркулович Илюхинни** 83-Эски-Тошкент сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб рўйхатга олди.

101-ҚУЙИ ЧИРЧИК САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА

1962 йил 2 сентябрь, якшанба куни 101-Қуйи Чирчиқ сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлаш юзасидан сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловлар сиёсий кўтаринкилик ва зўр уюшқоқлик, руҳида ўтди.

Овоз беришда сайловчиларнинг 100 проценти иштирок этди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод учун сайловларда қатнашган умумий сайловчиларнинг 99,83 проценти овоз берди.

Округ сайлов комиссияси сайлов участкалари бўйича материалларни қараб чиқиб, «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳақидаги Низом»нинг 38-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси **Мамажон Маҳсумовни** 101-Қуйи Чирчиқ сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб рўйхатга олди.

102-ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА

1962 йил 2 сентябрь, якшанба куни 102- Қизил Октябрь сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлаш юзасидан сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловлар сиёсий кўтаринкилик ва зўр уюшқоқлик руҳида ўтди.

Сайловларда сайловчиларнинг 100 проценти иштирок этди.

Депутатликка номзод учун умумий сайловчиларнинг 99, 96 проценти овоз берди.

Округ сайлов комиссияси сайлов участкалари бўйича материалларни қараб чиқиб, «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳақидаги Низом»нинг 38-моддасига мувофиқ, Қуйи-Чирчиқ район партия комитетининг секретари **Сент Меметович Тоировни** 102-Қизил Октябрь сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб рўйхатга олди.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

162-ПОЧТА САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗГАН ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

А Х Б О Р О Т И

1962 йил 2 сентябрь, якшанба куни 162-Почта сайлов округи бўйича меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига депутат сайлаш юзасидан сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловлар сиёсий кўтаринкилик ва зўр уюшқоқлик руҳида ўтди.

Овоз беришда умумий сайловчиларнинг 100 проценти иштирок этди.

Область Советининг депутатлигига номзод учун умумий сайловчиларнинг 99,49 проценти овоз берди.

Округ сайлов комиссияси сайлов участкалари бўйича материалларни қараб чиқиб «Ўзбекистон ССР область, шаҳар, район, қишлоқ, поселка (овул) советларига депутатлар сайлаш ҳақидаги Низом»нинг 29-моддасига мувофиқ «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **Мавлон Эгамбердиевни** 162-Почта сайлов округидан Тошкент область Советига депутат қилиб рўйхатга олди.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ИНСТИТУТИМИЗ ЮБИЛЕЙИ

Институтимиз 25 ёшга тўлди. Ҳа, унинг чорак асрлик тарихи бор. Бу тарих саҳифаларини варақлаган киши олий ўқув юртини босиб ўтган шонли йўли билан яқиндан танишади.

Ўзингизга маълумки, октябрь революциясига қадар медицина энг қолоқ соҳалардан бири эди. Бунинг учун ўша даврда Ўзбекистонда бор-йўғи 65 та амбулатория, 64 даволаш ташкилоти ва 32 та хусусий аптекалар мавжудлигини айтишнинг ўзи кифоя қилади. Совет ҳокимияти йилларида эса медицина тармоқлари кенг қулоч ёйди. Ҳозирги кунда республикамизда химия тармоқлари — фармацевтик заводи ишлаб турибди. 550 та аптека, 2337 та аптечка пункти дори-дармонлар билан савдо қилувчи 24 аптека магазини, 126 та аптека киоскалари аҳолига ҳизмат қилаяпти.

Медицинанинг бу соҳаларида 3 мингдан ортиқ мутахассис ишлайди.

Фармацевтика бобида бундай ютуқларни қўлга киритишда институтимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Тошкент давлат медицина институти базасида ташкил топган фармацевт кадрлар ўчоғи бугунги кунга келиб йирик олий ўқув юртларидан бирига айланди.

Ҳозир институтда 1700 га яқин студент билим олаётир. Мавжуд 16 та кафедрада 120 га яқин ўқитувчи бор. Буларнинг асосий қисми фан доктори ва фан кандидатларидир.

Институтимиз ташкил топгандан буён Ўрта Осиё республикаларига икки мингга яқин малакали провизор тайёрлаб берди. Аптека ва фармацевтиканинг бошқа ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаётган мутахассисларнинг кўпи шу ўқув юртида таълим олган.

Олимларимизнинг илмий-фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. Профессор Р. Хазанович бошчилигидаги фармокагнозия кафедраси ходимлари республикамиз доривор ўсимликларини ўрганиш борасида намунали ишлар қилдилар. Илмий тадқиқотлар янги дориларни синтез қилиш, дорилар яратишнинг янги методларини кидириб топиш каби процесслар билан қўшиб олиб борилаётганлиги катта аҳамият касб этади.

Аналитика химияси кафедраси ходимлари профессор М. Азизов бошчилигида синтез қилиш йўли билан дориларнинг кўпгина комплекс бирикмасини ҳосил қилдилар. Бу препаратлар айниқса қон касаллиги ва бошқа касалликларни даволашга жуда қўл келади. Кафедра кашф этган коамид препарати Тошкент химия-фармацевтика заводида йилига уч миллион ампуладан ишлаб чиқарилаётир.

Ўтган чорак аср мобайнида институт лабораториясида жуда бой тажрибалар тўпланди. Буларнинг маҳсули сифатида 10 та докторлик ва 53 та кандидатлик диссертациялари ёзилди ҳамда муваффақиятли ёқланди. Бу ўринда 500 дан ортиқ тадқиқотлар ижобий ҳал қилингани, 450 та илмий мақола матбуотда босилгани ҳамда 3 томлик илмий ишлар тўплами нашр этилганини айтиб ўтиш керак.

Шонли юбилей муносабати билан Тошкентда илмий-фармацевтика конференцияси ўтказилади. Конференцияда мамлакатимиздаги йирик фармацевт олимлар қатнашиб, шу соҳанинг ҳам ҳал қилинмаган муҳим масалалари юзасидан фикр алмашинадилар.

Кўриниб турибдики, фармацевтика фани олдида ҳали муҳим вазифалар турибди. Бу проблемаларни ҳал қилишда Тошкент фармацевтика институти илмий-ходимлари зиммасига маъсулиятли вазифалар юклатилган. Биз ўқув-тарбия ишларини янада яхшилаш билан бирга малакали ёш мутахассислар тайёрлашга ҳам жиддий аҳамият бераміз.

М. АБДУЛЛАЕВ.
Тошкент фармацевтика институтининг доценти.

☆———

БУНИНГ НИМАСИ ИЛМИЙ СТАНЦИЯ?

Одатда илмий тадқиқот муассасаси, тажриба-текшириш станцияларига борганда у ердаги янгиликлар, социалистик ишлаб чиқаришимизга татбиқ этилаётган фойдали янги методларни кўриб қувонасан киши. Ана шу янгиликлар ҳақида батафсил хабар ёзиб барчани мамнун қилгинг келади. Лекин, республикамизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда энг муҳим ўринни тутган, сув проблемаси, суғориш масалалари билан шуғулланадиган суғориш-тажриба станциясига бориб қувониш у ёқда турсин қаттиқ афсуслардик.

Станциянинг асосий вазифаси — экинларни суғоришнинг янги, қулай усулларини тажрибада синаб кўриш, сувни исроф қилмай, ундан рационал фойдаланиш методларини татбиқ этишдан иборат. Ана шу мақсадда станцияга 70 гектарга яқин ер, сув ажратилган. 48 илмий ходим, 30 дан ортиқ ишчи ва хизматчи штати бор. Станцияга 14 трактор, бир дона бульдозер, 2 та скрепер ва 2 та ёмғир усулида суғориладиган агрегат сотиб олинган. Ишчи ва хизматчилар яшаши учун уй-жой бинолари қуриб берилган.

Хуллас ижод қилиш, тажриба тадқиқотлар ўтказиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Шундай бўлгандан кейин, станция ўзининг 10 йиллик фаолиятида жуда кўп янгиликлар ихтиро қилгандир, янги-янги методларни турмушга татбиқ этгандир деган умидда бўлади, киши. Аммо станциядаги асосий иш билан танишгач у ерда илмий иш ўрнига давлатнинг пуллари кўкларга совурилаётганлиги, қанча-қанча илмий ходимларнинг кунлари бекорга ўтаётгани маълум бўлади.

Станцияда 30 гектар ер пахта экиш учун ажратилган. Мана шу майдондаги ғўзани янги усуллар билан суғориб синовдан ўтказиш, олинган тажриба колхоз-совхозларга татбиқ этилиши мўлжалланган эди.

Аммо, бу йил ҳам ҳар йилгидай иш аввал баҳорданоқ чатоқлашиб кетди. 30 гектар майдонга экилган чигит ҳадеганда униб чиқавермади. Чунки 6 гектар майдонга экилган чигит хато эди. Агрегатнинг чигит ташлайдиган регулятори дуруст ишламаган эди. Орадан ҳафта ўтказиб қайта экилди, у энди чин барг чиқарганда ғўзага касал тегди. Чунки чигитнинг ярми дориланмаган эди. Яна қайта экишга тўғри келди. Эндиги вазифа ана шу ғўзаларни тиклаб, уни янги усулда суғориб, илмий тажриба ўтказишдан иборат эди.

Ҳақиқий аҳволчи, бутунлай бошқача бўлди. 12 гектар ердаги ғўза ота-боболаримиздан қолган оддий усулда суғорилди. Ғўзаси эгулувчан шланглар билан янги техника асосида суғорилиши лозим бўлган 10 гектар майдон ҳам техникавий тайёргарлик бўлмагани учун оддий усулда суғорилди. Шундай килиб станцияда фақат 8 гектардаги ғўза ёмғир усулида суғориладиган агрегат ёрдами билан суғорилди. Лекин, у ҳам илмий жиҳатдан ҳамма қоидаларга тўлиқ риоя қилинмасдан хўжакўрсингагина қилинаётган иш. Аввало бу усулда суғориш учун ариқлар, қулоқ бошлари тўлиқ механизацияланиши керак эди. У қилинмади, сарфланган сув миқдори ўлчанмади. Сўнгра бундай усулда фақат тунда суғориш керак эди. Лекин, экинни қовжиратиб кундуз кунлари иссиқ пайтда суғорилди. Ёмғир усулида суғорилганда ғўзанинг ривожи, ернинг структурасига сувнинг таъсири илмий жиҳатдан анализ қилиб борилмади. Шундай бўлгач у қандай илмий-тажриба бўлди?

Станциянинг хўжалиги билан таништиришга тўғри келади. Унинг 10 гектардан ортиқ узумзор, 6 гектар шафтоли, олмазор боғ-роғи бор. Бедазори, қовунтарвуз полизи, балиқ овлайдиган ҳовузлари бор. Буларнинг илмий-текшириш соҳасига қандай алоқаси бор дерсиз. Станция бошлиқларининг гапича булар ҳам янги техникада суғориш усулини топишда муҳим ўрин тутармиш. Лекин 10 йиллар мобайнида бедазор, токзор, полизлар бирор марта ҳам янги усулда суғорилиб кўрилгани йўқ-ку десангиз бошлиқлар: «лекин шунга мўлжалланган» деган жавобни айтишади-ю ўзлари «агар ўзимиз ихтиро қилаётган усул билан суғорадиган бўлсак пахта сингари мева-ю сабзавотнинг ҳам ҳосили пасайиб кетса нима қиламиз» деган ташвишга тушиб қолишади.

Пахтанинг ҳосили-ку бошлиқларни қизиқтирмайди. Бўлмаса станциянинг директори ўртоқ Иброҳимов: бизнинг учун пахтанинг ҳосилдорлиги ошиш-ошмаслигининг аҳамияти йўқ, — деярмиди. Шу кайфиятда бўлингани учун 1961 йили тажрибага экилган пахтанинг ҳар гектаридан 6—15 центнер ўртасида ҳосил олинганда! Яна бу майдон янги усулда суғориб турилган, Вахоланки станция жойлашган ернинг кўшниси — Янгиўл районидаги «XIX партсъезд» колхозининг аъзолари шу йили гектаридан 39 центнердан пахта ҳосили кўтарди, станциянинг ўзида оддий усул билан суғорилган 8 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта ҳосили олинди. Яхшиям шу ҳосил олинди-ю станциянинг жонига оро кирди, бўлмаса станциянинг пахта тайёрлаш плани 40 процентга ҳам етмас эди.

Хўш, кимнинг айби, кимларнинг масъулиятсизлиги туфайли станция фаолиятсиз ишлаяпти, илм-фанни ривожлантиришга ҳисса кўшиш ўрнига уни суиистеъмол қилинаяпти.

Станция Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг сув проблемалари ва гидротехника институтига қарашли. Институтнинг суғориш бўлими станцияга раҳбарлик қилади. Планлар тузиб беради, мутахассис билан таъминлайди. Ҳаражатлар учун катта-катта маблағлар ажратади. Аммо шу ташкилот давлатга сариғ чақалик наф келтираяптими йўкми, бу ҳеч кимни қизиқтирмайди. Станцияни бевосита бошқарадиган бўлим — институтнинг суғориш бўлимидир. Бўлим бошлиғи ўртоқ Э. Л. Акулич — Казарин бўлса станциянинг илмий раҳбари. У суғориш бўйича мутахассис ҳам. Шу соҳада илмий даража олмоғи керак.

Қоида бўйича ҳам илмий даражаси бўлмаган киши бўлимга 3 йил мудирлик қилиши мумкин, чунки у 3 йил мобайнида диссертация ёклаб олиши, илм-фанга янгилик киритиши керак. Бунинг учун у ойига 320 сўмдан маош олади. Мана ҳадемай ўртоқ Акулич Казариннинг бўлим бошлиғи бўлганига 3 йил бўлади. У давлатнинг ишончини оклама ди. Шундай қулай пайтни қўлдан берди. Ажабо Акулич Казариннинг илмий иш олиб бориши, диссертация ёклаш учун суғориш станцияси жуда мос жой эмасмиди? Шундай илмий ходимларимиз борки, улар тажриба пунктидан кабинетни афзал кўрадилар. Аспирантлик муҳлати 10 йилга чўзилиб кетган Акулич Казарин ҳам шулар жумласидан. Бўлмаса суғориш, сув проблемалари ҳақида тушунчаси йўқ кишиларни станцияга бошлиқ қилиб юборилармиди? Кичкинагина хўжаликка бир неча бошлиқ тайинлашнинг ҳожати нима эди, Ана бошлиқлар тез-тез алмашиниб турилади. Шу йилнинг май ойида станциянинг аввалги директори ўртоқ Ҳасановни ишни уддалай олмаётгани, молия қоидаларини бузганлиги, станция маҳсулотини талон-торож килганлиги сабабли ишдан олиб ташланди. Станцияга яна янги директор юборилди. Бу сафар институт раҳбарлари ишга яқиндан ёндошган, станцияёп, мутахассис юборгандир дерсиз. Қаёқда! Энди станцияга қурувчи инженер ўртоқ Иброҳимов директор қилиб тайинланибди, янги директор ишни Ҳасановнинг ўтирлигини фош қилганларнинг пайини қирқишдан бошлади. У дастлаб станциянинг директор ўринбосари, отставкадаги майор Қосимовни ишдан бўшатиш к е р а к деб институтга рапорт ёзиб берди. Сўнгра лаборантка, КПСС аъзоси ўртоқ Шушмарченкони сабабсиз ишдан бўшатди. Бу иш бечиз қилингани йўқ. Чунки бу софдил кишилар станцияда илмий иш ўрнига боғ-роғдан олинаётган даромадни талон-торож килиш билан овора бўлиб колинаётганлиги ҳақида тегишли ерларни хабардор қилиб қўйишган эди. Станцияда ҳозирча янги директорнинг қилган ўзгариши шу. Аммо ўзидан сўрасангиз қурувчи эмасми, уни қурамиз, буни қурамиз, мастерской қурамиз деб керилиб ҳам қўяди. Станциянинг функцияси шундан иборат эмаску. Станция янгилик яратиши, фан ва техникамизни янги кашфиёт билан бойитиши керак. Шунинг учун ҳам унга суғориш техникаси бўйича тажриба-тадқиқот станцияси деган ном берилган. Ном жуда улуғ, лекин, афсуски станциянинг илмий тўплам дафтари, ҳисоботлари қуп-па-куруқ. Бўлим бошлиғи Акулич-Казарин ҳам, институт маъмурияти ҳам станциянинг ана шундай ачинарли ҳолга тушиб қолганидан қайғураётганлари йўқ.

Бу аҳвол ўртоқ Хрушчевнинг КПСС МК нинг март Пленумида қилган докладида «Бошқа системалар билан мусобақа ўйнашга чидаш беролмаса, ҳайдаладиган ҳар гектар ер ва сарфланган меҳнат ҳисобига донни, техника экинларини, гўштни, сутни ва бошқа маҳсулотларни кам берса бунинг нимаси илмий система бўлади» деган сўзларини айнан исботлайди. Шунинг учун ҳам институт раҳбарлари станция ишини қайта кўриб чиқиши, уни ишнинг кўзини биладиган мутахассислар билан мустаҳкамлаш, республикамизда якка-ю ягона бўлган суғориш станциясини ҳақиқий намунавий илмий-тадқиқот станциясига айлантирмоғи керак.

Ф. УСМОНОВА.

☆———

Тошкент фармацевтика институти бугун ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонлайди. Институтнинг ана шу кўп йиллик фаолиятида кекса профессор З. М. Уманскийнинг ҳам хиссаси катта. Суратда: Институтнинг доктор-дармонлар тайёрлаш кафедрасининг ассистентлари — шу институтни тамомаб чиқиб ҳозир кафедрада илмий иш олиб бораётган И. Мансурхонова билан З. В. Милькумова ўртоқлар профессор Уманскийдан консультация олмоқдалар.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

БУ ЙИЛ КАМИДА 140 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН»НИ МАШИНАДА ТЕРИБ ОЛАМИЗ!

Механизаторларимизнинг область кенгаши қатнашчилари зиммаларига ана шундай юксак мажбурият олдилар. 360 минг тонна пахтани қоп-қанорсиз ташишга қарор қилдилар

Пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг 3 сентябрда бўлиб ўтган область кенгашини Тошкент область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Э. Т. Шайхов очди. У ўзининг қисқача кириш нутқида мўл-кўл «оқ олтин» тошириш учун бошланган умумхалқ курашида механизаторларнинг қўшадиган ҳиссалари ва вазифалари тўғрисида гапирди.

Область пахтакорлари оби-ҳаво қийинчиликларини енгиб, социалистик мажбуриятни бажаришни таъминлайдиган ҳосил етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилдилар ва мўл «оқ олтин» етиштирдилар. Августнинг охирига келиб ҳамма ерда пахта очила бошлади. Янгийўл, Бекобод, Бўка, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва бошқа районларнинг хўжаликлари теримни бошлаб юбордилар. Пахтазорларда иш қизиб кетди. Яқин орада пахта териш машиналарини ҳам ишга тушириш мумкин бўлади. Бунда механик-ҳайдовчиларнинг ҳал қилувчи роли каттадир. Улар қанчалик машина теримини яхши уюштирсалар, суръатни кучайтириб, сифатли пахта терсалар мажбурият албатта бажарилади. Терим ишларини механизациялаштиришни намунали вужудга келтиришда область колхозларни ва совхозларидаги механизаторларнинг тажрибасини оммалаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Шундан кейин доклад учун сўз доғдор механизатор ўртоқ В. А. Тюпкога берилади. Ундан кейин Н. Бекиров, С. Гулаҳмедова, М. Чачи, Қ. Рашидов ўртоқлар ҳам қисқача доклад қиладилар (уларнинг докладлари мазмунини қуйида ўқийсиз).

☆ ☆ ☆ ☆

Техника кучидан унумли фойдаланамиз

(Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг бригадири ўртоқ В. А. ТЮПКО докладидан)

Бизнинг бригадамиз пахтачиликни комплекс механизациялаштириш борасида катта ишлар қилмоқда. Биз машиналардан рационал фойдаланиш йўли билан ғўза ва ем-хашак экинларини парвариш қилишда меҳнат сарф-харажатларини камайтирмоқдамиз. Бригадамизнинг ҳар бир ишчисига 15—20 гектардан ер тўғри келади. Бу рақамлар дала ишларини, айниқса пахта-йиғим теримини кенг механизациялаштириш йўли билан жуда катта резервларни ишга солиш мумкинлигидан далолат бериб турибди.

Машина терими юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун биринчи галда ҳар биримиз ўз машинамиздан иложи борича унумли фойдаланиш, кўпроқ пахта теришга тўғрисида қайғиришимиз зарур. Областимизнинг колхоз, совхозларида машиналар билан камида 140 минг тонна пахта териб олиниши лозим. Бизда 2800 та пахта териш агрегати бор. Демак, ҳар бир машина ўртача 50 тоннадан пахта териши керак. Сиз механизаторлар яхши тушунасизларки, бунча пахтани машина билан териб олиш қийин иш эмас.

«ХВС-1,2»—жуда яхши машина. Уни эпчил қўллар бошқарса далада етиштирилган ҳосилнинг 92—93 процентини териб олаолади. Қолган 7—8 процент ҳосилни қўлда теришга тўғри келади. Тўғри, бундай юқори унумли теримга осонликча эришиб бўлмайди. Бунга эришиш учун машинага меҳр қўйиш, пахта майдонини мавсумга пухта ҳозирлаш керак. Машинани шундай бошқариш керакки, унинг ғилдираклари қатор орасининг қоқ ўртасидан юрсин. Далаларда эса ёввойи ўтлар мутлақо қолдирилмаслиги зарур.

Механизациялаштирилган теримга кетадиган сарф-харажатлар қўл терминикига нисбатан жуда камдир. Лекин бу сарф-харажатларни яна ҳам камайтириш мумкин. Бунинг устида машиналарнинг конструкторлари бош қотиришлари керак. «ХВС-1,2» машинасига механик подборщик керак. Лекин ҳозирча бундай подборщик йўқ. Конструкторларимиз пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплларни яна ҳам яхшилаш тўғрисида бош қотиришлари керак. Прицеплар пахтани механик равишда яхши агдаролмайдилар. Шунинг учун ҳам бу ишни кўпинча қўлда қилишга тўғри келмоқда. Бу иш кўп вақт олади ва сарф-харажатнинг кўпайишига сабабчи бўлади. Шунингдек тайёрлов пунктларидаги пахтани қуритиш ва тозалаш цехларини ҳам такомиллаштириш зарур. Тажриба шуни кўрсатдики, бу цехларнинг паст унумлилиги кўпинча машинада терилган пахтани қабул қилиб олишда қўлни ушламоқда.

Бригадамиз ҳақида шуни айтишим мумкинки, бизнинг далаларимизда мўл ҳосил етишди. Ҳамма ҳосилни машиналар билан териб оламиз ва бригадамиз бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтарамиз. Ҳар центнер пахтага кетадиган сарф-харажатларни камайтирамиз ва унинг таннархини ўтган йилдагига нисбатан анча камайтирамиз.

Областимиз механизаторлари, деди ўртоқ Тюпко ўз докладининг охирида, колхоз-совхозлар томонидан машина терими юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш, машиналар билан планда белгиланганидан ҳам кўп миқдорда пахта териб олиш имкониятига эгалар.

ПАХТАКОРЛИК ШАРАФИНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

(Бўка районидаги Охунбоев номли колхоз бригадири ва механик-ҳайдовчиси ўртоқ С. ГУЛАҲМЕДОВА докладидан).

Пахта йиғим-терининг долзарб кунлари бошланди. Етиштирган ҳосилимиз мўл. уни қўл билан териб улгуриб бўлмайди. Пешона тери тўкиб етиштирилган «оқ олтин»ни энг яхши муддатларда йиғиб-териб олиш учун барча пахта териш машиналарини ишга солиш керак.

Мен 3 йилдан бери машина рулини бошқармоқдаман ва шу давр ичида ўт босган далаларнинг қанчалик зарарли эканлигини яхши англаб олдим.

Машиналарни тайёрлашга ҳам катта аҳамият бериш керак. Унинг ҳамма камчиликлари машина терими мавсуми бошлангунига қадар бартараф этилса фойдали бўлади.

Мен истайманки, бизнинг областимиз ҳамма соҳада, шу жумладан машина терими соҳасида ҳам энг илғор область бўлсин. Биз бунга эришаоламиз ва эришмоғимиз зарур. Украиналик машҳур колхозчи, онахонимиз Н. Г. Загладанинг мақоласида айтилган гаплар шунга ундамоқда, пахтакорнинг юксак шарафи бизни шунга даъват этаяпти. Ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчисининг, ҳар бир механик-ҳайдовчининг бурчи—ҳамкорликда ишлаш, пахтакор деган шарафли номни улуғлашдан иборат.

Бизнинг бригадамиз аъзолари ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил кўтаришга ваъда беришди. Биз мўл «оқ олтин» ҳосили етиштираолдик, уни йиғиб-териб олишнинг ҳам уддасидан чиқамиз. Мен бу йил ўз агрегатим билан 250 тонна пахта териб олишга ҳаракат қиламан.

Меҳнат унумдорлиги юксак бўлади

(«ЎзССР беш йиллиги» совхози 5-бўлимининг бошқарувчиси ўртоқ М. ЧАЧИ докладидан)

Бизнинг бўлимимизда 713 гектар пахта майдони бор. Ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» кўтариш иштиёқидамиз. Ҳар гектар еримизда 87 минг тупдан ғўза бор, ҳар туп ўсимликда 13 тадан тўқ кўсак ҳосил бўлган. Бу —етиштирилган ҳосил олинган мажбуриятни тўла қоплай олишидан далолат бериб турибди. Биз ҳосилни тез ва кам маблағ сарфлаб йиғиб-териб олишимиз керак. Бунинг учун ҳар бир механик-ҳайдовчимиз ишнинг кўзини билиб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилади. Ялпи ҳосилимизнинг 80 процентга яқинини машиналар билан териб олмоқчимиз.

Механик-ҳайдовчиларнинг даромадини ошириш ва машинани ишлатиш учун кетадиган сарф-харажатларни камайтириш учун группали машина теримини ташкил этамиз. Ҳар бир картада 4—5 тадан агрегат ишлайди. Машиналарнинг ҳар бир группасига пахтани қоп-қанорсиз ишлайдиган 4—6 тадан прицепни биркитиб қўямиз. Прицепга пахта ортишни механизациялаштирамиз.

Бўлимимизда 21 та пахта териш машинаси, жумладан 16 та «ХВС-1,2» ва 5 та «СХМ-48М» агрегати ишлайди. «ХВС-1,2» машиналари икки сменада пахта теради. Бу уларнинг бир кеча-кундуздаги меҳнат унумдорлигини камида 30 процентга кўпайтиради. Бизнинг механик ҳайдовчиларимиз украиналик деҳқон Н. Г. Загладанинг мақоласида айтилган ажойиб гапларга жавобан аъло даражада меҳнат қилишга, 170—180 тоннадан пахта териб беришга қатъий сўз бердилар. Менинг ўзим ҳам машина рулига ўтираман. Мавсум давомида 70 тонна пахта териб бераман. Далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Р. Давлетов ҳам машинани бошқаради. У 100 тонна пахта териб бермоқчи.

ИШ ИККИ СМЕНАЛИК БЎЛАДИ

(«1-Боёвут» совхозининг директори ўртоқ Қ. РАШИДОВ докладидан)

Совхозимиз коллективи ўтган йили пахта тайёрлаш планини шараф билан бажарди. Бу ютуқни шархлаб шуни айтиш керакки, йиғим-терим ишларининг жадал суратлар билан бажарилишида механизаторларимиз ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар қудратли агрегатлар билан 6300 тонна пахта тердилар.

Бу йил совхозимиз коллективи далалардан 16 минг тонна пахта йиғиб-териб олишга сўз берди. Бунчалик кўп ҳосилни йиғиб-териб олиш ўз-ўзидан бўлмайди.. Бунинг учун йиғим-терим ишларини механизациялаштиришимиз лозим. Бу йил ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб оламиз. Бунинг учун 150 та пахта териш агрегати, шу жумладан 110 та «ХВС-1,2» машинасини ремонт қилиб, мавсумга тахт қилиб қўйдик.

Йиғим-теримда механик-ҳайдовчилар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Шу мақсадда ҳозир механизаторлар семинарида 50 киши малакасини оширмоқда.

Бу йил совхозимизда« ХВС-1,2» агрегатлари икки сменада ишлайди. Шуни назарда тутиб биз 250 механик-ҳайдовчи тайёрлаяпмиз. Машина теримини икки сменада ташкил этишимиз агрегатларнинг суткалик меҳнат унумдорлигини кескин оширишга ва йиғим-терим ишларининг жадал бажарилишига тўла имкон беради.

Биз машиналарнинг группа-группа бўлиб ишлашини ташкил этишни максадга мувофиқ деб биламиз. Теримнинг бундай усули ишчи кучини тежаш, техника назоратига кетадиган харажатларни камайтириш ва машиналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўймасликка имкон беради. Терилган пахта машина бункеридан тўппа-тўғри — қоп-қанорсиз ташийдиган прицепга ағдарилади.

Пахта терининг икки хил усули бор — қўл терими ва машина терими. Қўл терининг ноқулайликларини гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Машина терими эса йиғим-терим мавсумини қисқартиради, пахтанинг таннархини арзонга туширади. Биз терининг биринчи усулидан воз кечдик ва ялпи ҳосилнинг бешдан тўрт қисмини машиналар билан териб олишга қатъий қарор қилдик. Сизларни ишонтириб айтаманки, бизнинг коллективимиз ўз сўзининг устидан албатта чиқади.

МАШИНА ХАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРАДИ

(2-«Боёвут» совхози хўжалик ҳисоби трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Н. БЕКИРОВ докладидан)

Ўтган йили биз ялпи ҳосилнинг 76 процентини машиналар билан териб олдик ва пунктга қоп-қанорсиз элтиб бердик. Мен ўз агрегатим билан бутун мавсум давомида 169 тонна пахта тердим. Бу йил ўзим бошчилик қилаётган бригадада йиғим-теримни жуда яхши ташкил этишга ҳаракат қиламан.

Бизнинг бригадамиз аъзолари ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 35 центнердан пахта кўтаришга аҳд қилишган. Бу аҳдимизни сира унутмаган ҳолда ишлаяпмиз.

Бизда кўчат қалинлиги нормал сақланди, ҳар туп ғўзада 13—14 тадан бўлиқ кўсак тўпланди. Вазда қилинган ҳосил тайёр!

Лекин чаноқлардаги пахтани ҳосил дейишмайди, балки хирмонга уйилган пахтани ҳосил дейишади. Хирмон кўтариш учун эса фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилиш керак. Биз терим техникасидан унумли фойдаланганимиздагина даладаги ҳосилни сира исроф қилмасдан йиғиб-териб олишнинг уддасидан чиқаоламиз. Машиналар билан қанча кўп пахта териб олсак, шунча кам меҳнат сарфланган бўлади ва бригаданинг даромади шунча кўп бўлади, ҳар бир ишчи олган пул ҳам шунча кўп бўлади. Буни бригадамиздаги ҳар бир киши яхши тушунади.

Ҳозир бизнинг пахта пайкалларимиз топ-тоза. Ёввойи ўтлар далаларда улоқтириб ташланган. Бригадага беркитилган 5 та «ХВС-1,2» пахта териш машинаси йиғим-теримга шай ҳолда турибди. Ҳар бир механик ҳайдовчи машиналар ремонтига бевосита иштирок этди.

Хўжалик ҳисоби кишини пахтани юқори сортлар билан топширишга ундайди. Биз ғўзани ўз вақтида ва юқори сифатли дефолиация қилиш йўли билан пахтани юқори сортлар билан топширишга эришамиз. Ғўза баргларини тўктиришни ҳар хил участкадаги ўсимликнинг ривожи ва ҳамма терим агрегатларининг кенг фронтда ишлашини таъминлашни ҳисобга олиб ўтказамиз.

Докладлардан сўнг музокаралар бошланди. Биринчи бўлиб «Пискент» совхози комсомол комитетининг секретари, механизатор **Зарифа Убайдуллаева** сўзга чиқди.

— Совхозимиз коллективи бу йил 5800 гектар ерда пахта етиштирди. Ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил кўтариб давлатга 14200 тонна пахта сотиш мажбуриятини олганмиз, — деди нотиқ. — Шундан 5000 тонна пахта машина билан теридик, 11 минг тонна пахта қоп-қанорсиз ташиладик. Ҳозир 84 та пахта териш машинаси теримга тахт қилиб қўйилди.

— Ўтган йили, — деди ўз сўзида «Малик» совхозининг машҳур механизатори ўртоқ **Жавод Кўчиев**, — мен бошлиқ бригадада етиштирилган пахтанинг 92 проценти машина билан териб олинди. Ўзим машина билан 252 тонна пахта тердим. Машинада унумли пахта териш уни яхши парвариш қилишга, пайкаллар машина ишлашига мослаб тайёрланишига боғлиқ. Масалан, машинадаги ременларга мой ва сув текқизилмаса кўпга чидайди. Маълумки, ишлаб турганда ремен узилса иш тўхтаб қолади. Вақт бекор кетади, машинанинг бошқа қисмларига ҳам эҳтиётлик билан қаралса у бетўхтов ва унумли ишлайди. Бизда машинани ишлашига шароит яратиш учун карта четлари бульдозерлар билан текисланади. Лекин мен бунга қаноатланмайман. Баъзи ерларни машинадан сўнг қўл билан кўнгилдагидек текислаймиз. Бу машинанинг равон юришини таъминлайди. Бегона ўт машинанинг душмани, ҳосилнинг заволи. Шунинг учун биз ўтни йўқотмай туриб ўт бор ерга машина солмаймиз. Бизда бу одат бўлиб қолган. Мен бошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил етиштиришга, бутун ҳосилнинг 94 процентини машина билан териб олишга аҳд қилганлар. Сизларни ишонтириб айтамизки, биз мана шу ваъдани сўзсиз бажарамиз.

— Бизнинг, — деди Янги ер территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **С. Бухаров** — колхоз, совхозларимиз бу йил 47 минг гектар ерга чигит экдилар. Лекин об-ҳаво ноқулай келгани учун 4000 гектар ерга чигит 2 марта экилди. Шунга қарамай совхоз ишчилари, колхозчилар бу қийинчиликларни енгиб, 100 минг тонна эмас, 108 минг тонна ҳосил олиш учун ҳамма имкониятларни яратдилар. Биз олдин 34 минг тонна пахтани машина билан термоқчи эдик. Лекин совхоз ва колхозларда машина билан пахта териш учун қулай шароит вужудга келганини, машина билан пахта териш ишқибозлари кўпайиб қолганини ҳисобга олиб бу йил 63 минг тонна пахтани машинада теришга қарор қилдик. Бунинг учун 800 та машина тайёрлаб қўйилди. Мен шу минбардан туриб машина билан этдилар.

кўп пахта теришда Сирдарё территориал ишлаб чиқариш бошқармасини социалистик мусобақага чақираман.

Сирдарё территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **С. Акрамов** ўртоқ Бухаровнинг чақиригини қабул қилиб ўз сўзида шундай деди:

— Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли районларда Янгиерга қараганда ҳам оғир аҳвол юз берди. Аммо биз буни пеш қилмаймиз. Колхозчиларимиз, ишчиларимиз бу йил 128 минг тонналик гигант хирмон кўтариш учун курашмоқдалар. Биз шулар етиштирган пахтанинг анча қисмини машина билан терамиз. Бунинг ҳисоб китобини қилиб қўйганмиз. Бу ерда фақат шуни айтмоқчиман; ҳар бир машина ҳисобига янги ерликлардан кўра кўпроқ пахта теришни таъминлаймиз.

Кенгашда сўзга чиққан Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг механик ҳайдовчиси **Назира Акбарова** машинада 150 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олди. «Оққўрғон» совхозининг 5-бўлим механик-ҳайдовчиси **Мамашев** ўтган йили «СХМ-48М» машинаси билан 98 тонна пахта терганлигини айтиб, бу йил яна шу машина билан 150 тонна пахта теришга сўз берди.

Шундан сўнг бирин-кетин йиғитлар минбарга чиқа бошлайдилар. Кенгаш зали алла маҳалгача шу азамат механизаторларнинг оташин нутқлари билан жаранглаб турди. Пировардида область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. А. Абдураззоқов** якунловчи нутқ сўзлади.

Кенгашда республика механизаторлар съездига делегатлар сайланди ва областдаги барча механизаторларга Мурожаат қабул қилинди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари **В. А. Карлов, Р. Курбонов, Е. С. Насриддинова, А. Ҳайдаров** ўртоқлар иштирок этдилар.

ЭСКИ ТРАДИЦИЯ ТАРАФДОРЛАРИ

Ўзбекистонда Турсуной Охунова ташаббуси яхши қўллаб-қувватланмаяпти

Мамлакатимиз пахтакор республикалари қишлоқ хўжалиги илғорларининг 1954 йил охирида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашидан сўнг Никита Сергеевич Хрушчевнинг тавсиясига мувофиқ пахтачилик комплекс механизациялаш йўлидан ривожланабошлади. Машиналар кетмони қисиб чиқарабошлади. Валентин Тюпко, Жавод Кўчиев, Меликўзи Умрзоқов ва бошқа кўпгина новаторлар вужудга келди. Улар машиналар ва механизмлар ёрдамида пахта етиштирабошладилар. 1959 йилда эса пахтани механизмлар ёрдамида йиғиб-териб олиш йўлига қатъий равишда ўтилди. Бу —қувончли воқеадир.

Пахтачиликда минглаб қиз-жувонлар ишламоқда. Эски традицияга мувофиқ улар ёрдамчи ишларни бажарадилар. Кўплаб хўжаликларнинг раҳбарлари хотин-қизлар машинаси бошқара олмайди деб ҳисоблар эдилар. Тошкент область Чиноз районидаги Киров номли колхоз аъзоси Турсуной Охунова бу традицияни дадиллик билан чиппакка чиқарди. У пахта териш машинасини бошқаришни ўрганиб, пахта теримида ажойиб ютуқларга эришди, машҳур механизатор йигитларни орқада қолдириб кетди.

Никита Сергеевич Хрушчев Турсунойнинг иши тўғрисида яхши гаплар айтди. Турсунойнинг: «Қизлар, терим машиналарини бошқаришга!» деган чақириғи барча пахтакор республикаларда қўллаб-қувватланди. Кўплаб хотин-қизлар машина билан дўстлашиб кетдилар. Мана баъзи мисоллар. Бўка районидаги Охунбоев номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова ҳар мавсумда қўл билан 15—20 минг килограммдан пахта терар эди. Жуда катта куч ва ғайрат сарфлаб шунча пахта теришга муваффақ бўларди. Шу вақтнинг ўзида Турсуной Охунова анча кам куч сарфлаб, машинада 300 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ «оқ олтин» терди. Бу рақамлар Саодатни ўйлантириб қўйди. У механизаторлар курсига ўқишга борди, техникани ўзлаштирди ва дастлабки йилдаёқ ўз агрегати билан 200 тоннадан кўпроқ пахта терди!

Қорақалпоғистонлик Ойим Камолова, хоразмлик Майя Нам, ўз ишлари билан ном чиқардилар. Самарқанд область Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози ёшлар бригадасининг бошлиғи, механик-ҳайдовчи Матлуба Назарованинг номи бошқа республикаларда ҳам машҳурдир. Ёш коммунист ҳар йили машинада 200 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта термоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда машина терими тобора кенг қўлланилмоқда. Бунда механизаторлар сафига қўшилган хотин-қизларнинг хизмати оз эмас. Янги, ажойиб традиция вужудга келди. Бу традицияни бутун чоролар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак эди. Бироқ, консерваторлар бу йўлга тўғаноқ бўлмоқдалар. Айрим районларда ва хўжаликларда Турсуной издошларининг ишига, уларнинг эҳтиёжларига менсимай қараш фактларига ҳали ҳам хотима берилгани йўқ.

Чунончи, Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхозда рейд бригада аъзолари Мамлакат Исахўжаева билан учрашдилар. Бу қизни икки йил муқаддам Вревский механизаторлар мактабида кўрган эдик. Ҳозир Мамлакат ҳисобчилик қилмоқда. Нима бўлганлиги билан қизиқдик. Маълум бўлишича, қизга машина беришмабди. Колхоз инженери Мутал Абдуллаев Мамлакатга шундай деб жавоб берибди:

— Колхозда сенга ҳисобчиликдан бошқа лойиқ иш йўқ.

Колхоз раиси Ҳалим Салимов билан суҳбатлашдик. Механизаторлар мактабини битириб чиққан қизларнинг тақдири билан қизиқдик. Салимов афтини буриштирди, кейинчалик қўл силтаб очиғини айтиб қўяқолди:

— Бе, хотин-қиз механик-ҳайдовчиларнинг менга нима кераги бор? Колхозда 25 механизатор йигит бор. Хотинларнинг ташвиши кўп бўлади.

Бундай аҳвол фақат шу колхозда юз бераётгани йўқ «Қизил Октябрь» колхози аъзоларидан Нори Нуриддинова билан Ҳосият Усмонова ҳам механизаторлар мактабини битиришган. Норига машина беришди. У ана шу машинада дастлабки йилда 90 тонна пахта терди. Келгуси мавсумда Нори Турсуной билан мусобақалашмоқчи эди. Лекин унинг машинасини тортиб олиб, ўзини қўлда пахта теришга юборишди.

Турсуной Охунованинг ажойиб ташаббуси вужудга келган Чиноз районида механизаторлар мактабини битириб чиққан хотин-қизларнинг ярмидан кўпи пахта териш машиналарида ишламаётганлигига ишониб бўлмайди. Лекин бу фактдир.

Қайсарлик ва консерватизм!— бу сўзлар минбарлардан қанчалик кўп айтилади, улар турмушда қанчалик яшовчан! Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари хотин-қизларни техника ёнига йўлатмаслик учун қандай ҳийлаларни қилмайдилар, қандай «объектив» сабабларни кўрсатмайдилар!

— Колхозимизда механизаторлар курсига бориб ўқишни истайдиган хотин-қизлар йўқ,— деди Самарқанд область, Иштихон районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси ўртоқ Ғаффоров. Рейд бригада ҳақиқий аҳвол билан танишганда курсга бориб ўқишни истовчилар жуда кўп эканлиги маълум бўлди.

Республика хўжаликларида механизация мактабини битириб чиққан хотин-қизларга яхши ремонт қилинмаган техникани биркитиб қўйиш ёки машина теримига яхши тайёрланмаган далаларни ажратиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Сўнгра шўринг қурғур раҳбарлар:

— Мана қаранг, бу ерда хотин киши ишлаяпти, ҳеч иш чиқаролмаяпти,— деб жар солишади.

Андижон областидаги Москва районидан Турғуной Жалилова, Дилбар Тўйчиева, Турғуной Дуналиева Ленин районидан Ширмонхон Жўраева ва бошқалар ана шундай «объектив» сабабларга кўра пахта териш машиналаридан ажралиб қолдилар.

Ғирик пахтакор район ҳисобланган Андижон ва Тошкент областларида механизаторлар курсига хотин-қизларни мумкин қадар камроқ юборишга уринмоқдалар. Масалан, йиғим-терим бошлангунга қадар хотин-қизлардан Андижон областида 328 механизатор, Тошкент областида эса 200 механизатор тайёрлаш лозим эди. Бу планнинг учдан бири ҳам бажарилмади. Сурхондарё, Фарғона ва Бухоро областларида ҳам хотин-қиз механизаторларга нотўғри муносабатда бўлиш фактларини кўплаб учратиш мумкин.

Республика далаларида мўл «оқ олтин» етилмоқда. Ўзбекистон механизаторлари машиналар билан 550 минг тонна пахта теришга аҳд қилдилар. Йиғим-теримга тайёргарлик ишларини тезроқ тугаллаш, эски традицияларга ёпишиб олиб, хотин-қиз механизаторларнинг пахта териш машиналари рулини бошқаришларига тўсқинлик қилаётган консерваторларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш керак.

«Правда» ва республика ёшлар газеталари «Ёш Ленинчи», «Комсомолец Узбекистана»нинг рейд бригадаси: У. АҲМЕДОВА — қишлоқ мухбири, Андижон область, Андижон райони; Ю. ОТАМУРОДОВ — қишлоқ мухбири, Самарқанд область, Булунғур райони; А. КУЗНЕЦОВ — қишлоқ мухбири, Сурхондарё область, Термиз шаҳри; И. АБДИЕВ — қишлоқ мухбири, Тошкент область, Чиноз райони; А. ВАҲОБОВ— республика «Ёш ленинчи» газетасининг редактори; Г. РЕЗНИЧЕНКО — республика «Комсомолец Узбекистана» газетасининг редактори; И. МУҚИМОВ — «Правда»нинг Ўзбекистон ССРдаги мухбири.

(«Правда»нинг 4 сентябрь сонидан).

Область партия комитетида йиғилиш

Тошкент область партия комитетида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область партия комитетининг партия ташкилотчилари, партия комитетларининг ташкилот бўлим мудирлари ва учет сектори мудирлари иштирок этдилар.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов «Район ва шаҳар партия комитетлари ва область партия комитети партия ташкилотчиларининг пахта йиғим-терими даврида партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари шунингдек область партия комитети партия органлари бўлимининг мудири П. В. Костриковнинг областимиз бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши, коммунистларни ҳисобга олиш ва КПСС сафига қабул қилиш ишларининг аҳволи ҳақидаги ахборотини ҳам тингладилар.

ПАХТАКОРЛАР БАЙРАМИ

58550 тонна пахта учун! Сирдарё район колхоз ва совхоз пахтакорларининг ўтган дам олиш куни бўлган оммавий сайили шу шиор билан ўтди. Эрталабданоқ донгдор колхозчилар, совхоз ишчилари транспарантлар билан безанган машиналарда ўз байрамларига ошиқишарди. Байрамни район ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Алижонов очди. У йиғилганларни табриклаб, меҳнатда уларга янги муваффақиятлар тилади. Байрам қатнашчилари пахта ҳосилини ўз вақтида териб олиш ва планни муддатидан илгари бажариш учун янги мажбурият олдилар.

Шу куни Тошкент шаҳридаги М. Горький номли болалар парки коллективи пахтакорларга маданий хизмат кўрсатди. Паркнинг бадиий ҳаваскорлари, оркестри ва массовиклари кун бўйи байрамни қизитишди. Тошкент шаҳридан борган Қўғирчоқ театри эса иккита спектакль кўрсатди. Савдо ходимлари катта ярмарка ташкил этди.

Худди шундай байрам Гулистон районида ҳам бўлиб ўтди. Бу районга Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи ходимлари бориб хизмат кўрсатишди.

Пойтахт маданият ходимлари билан қишлоқ пахтакорларининг учрашувлари жуда кўнгилли ўтди.

В. РОДИН.

ДУРАДГОР-РАССОМНИНГ ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАСИ

Суратда: виставка залида.

В. Салов фотоси.

Шу кунларда Республика халқ ижодий уйи одамлар билан гавжум. Бу ерда ҳаваскор рассом Рашид Ниёзбоев асарлари асосида кўргазма очилди. Кўргазмани халқ ижодий уйи тасвирий санъат бўлимининг бошлиғи Толиб Одилбеков тайёрлади. Қизиғи шундаки, бундай шахсий ижодий кўргазма республикамизда биринчи марта ташкил этилди.

Шинамгина хонага кирар экансиз кўзингиз девордаги дид билан осиб қўйилган рангбаранг суратларга тушади.

— Хаваскор рассом Рашид Ниёзбоевнинг асли касби дурадгорлик,— деди Т. Одилбеков бизни экспонатлар билан таништирар экан. — У Бўстонлиқ районидаги Бараж станциясида дурадгор бўлиб ишлайди. Ўз ҳунарини жондан севади. Шу билан бирга у бўш вақтларини ажойиб ишга— расм солишга сарф қилади.

Р. Ниёзбоев табиат манзараларига, хаёт гўзаллигига чинакам ошиқ. Шунинг учун ҳам унинг асарларида ана шу мавзу ўз аксини топади.

Хаваскор рассом жонажон ўлканинг, Тошкент, Бўстонлиқ ва Чирчиқ кўринишларининг куйчисидир.

Кўргазмага қўйилган ҳар битта расмни синчиклаб тамоша қилар эканмиз, кўз ўнгимизда гўзал тоғ манзаралари, яшил қишлоқ кўринишлари, дарёдар, водийлар намоён бўлади Бенхтиёр уларга тикилиб қоласан киши.

30 ёшларга борган, расм солишни ёшлигидан машқ қилиб юрган бу ёш талантнинг ўз шахсий ижодий кўргазмасига 58 та асари қўйилган. Оддий акварелда ишланган ранг-баранг картиналарида рассом мўйқаламни жуда нозиклик билан ишлата олган. Унинг «Чотқол тоғлари», «Чирчиқ дарёси», «Терим мавсуми», «Жонажон ўлка гуллари», «Думалоқ овули», «Оқсоқота водиси», «Она қишлоқ», «Тоғларда баҳор», «Пода» каби асарларидан бу ёш рассомнинг санъатга бўлган муҳаббатини дарҳол сезиб олиш осон.

Ниёзбоев бутун Бўстонлиқ районини кезиб чиққан. У қаерда бўлмасин ажойиб табиат манзараларинқ қоғозга туширишга интилган. Ҳаваскор рассомнинг этюдларини тамоша қилар эканмиз у ранг-баранг бўёқларга юрак меҳрини омиҳта қилиб, нафис поэзия ярата олганлигига қойил қолдик.

Ҳаваскор рассом кўпгина асарларини йил фаслларига бағишлаган. Масалан, авторнинг «Навбаҳор», «Олтин куз», «Қиш» каби асарларида ҳар фаслнинг фазилатлари ишонарли ва ёрқин қилиб акс эттирилган.

Ниёзбоев жуда синчков рассом. У ҳар бир чичик, майда нарсаларга ҳам катта эътибор билан қарайди ва уларга хос бўёқ ялайди. Бунга мисол қилиб «Булбуллар», «Тоғ қуши», «Тоғ ўтлари», «Арча», «Шайтон қўприк», «Гуллар» каби асарларини кўрсатсак бўлади.

Ҳаваскор рассомнинг орзурежалари катта. У шу кунларда гўзал Тошкент, индустриал Чирчиқ, Тоғ манзаралари серияларида янги асарлар яратиш устида ишламоқда.

Ана шундай халқ орасидаги ажойиб дурдоналарни юзага чиқаришда халқ ижодий уйининг хизмати каттадир. Республика халқ ижодий уйи бошлаб берган бу ажойиб ташаббус кўпчилик санъат ихлосмандларига манзур бўлди.

А. ЮСУПОВ.

КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН САВОЛ-ЖАВОБ КЕЧАСИ

Тошкентнинг Октябрь районидаги «Зарафшон» маҳалласида жойлашган қизил чойхона яқинда ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу ерга олимлар меҳмон бўлиб келишди. «Коммунизм қуриш тўғрисида» деган темага бағишланган савол-жавоб кечаси маҳалла меҳнаткашларини жуда қизиқтирди. Кечада юридик фанлари кандидати Т. Саъдуллаев «СССРда коммунизм қуриш перспективалари» деган темада доклад килди. Докладдан сўнг ҳар ким биринкетин ўзини қизиқтирган саволларни бера бошлади. Жумладан коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси, КПСС Программасида белгиланган тадбирлар, урушсиз дунё учун кураш, космонавтлар Николаев ва Поповичларнинг мислсиз парвози ва фан тараққиёти ҳақида саволлар ўртага ташланди. Кечада иштирок этган фан кандидатлари М. Ортиқов, С. Ғуломов ва Т. Саъдуллаев ўртоқлар бу саволларга қониқарли жавоблар қайтардилар.

Шунга ўхшаш савол-жавоб кечаси районнинг «Чакар» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Бу кечани республика Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходимлари уюштирди.

В. ОДИЛОВ.

Қисқа сатрларда

✦ ПИСКЕНТ. «Пискент» совхозининг 4-бўлимида яшовчи ишчи хонадонлари водопровод суви билан таъминланди. Шунингдек, бу бўлимдаги хонадонларни электрлаштириш иши ҳам охирлаб қолди. 5-бўлимдаги ишчи хонадонларидан 200 таси эса батамом электрлаштирилди.

У. Омонов

* * *

✦ ТОШКЕНТ. Фрунзе райпищеторги Домбирободда озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи икки қаватли янги магазин очди. Шу ерлик аҳоли магазин хизматидан мамнун бўлиб фойдаланмоқда.

Б. Сафаров

* * *

✦ ГУЛИСТОН. Райондаги «Первомаец» совхозида 250 киши сиғадиган янги клуб биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Ю. Абдуалимов.

Редактор ўринбосари И. СУЛАЙМОНОВ.

Спорт

ФИНАЛ ЯҚИНЛАШМОҚДА

СССР биринчилиги учун ўтказилаётган футбол мусобақалари кескин кураш даврига кирди. Яна 37 матчдан сўнг чемпионатнинг финали бошланади.

3 сентябрда Москвада «Спартак» командаси билан Бокунинг «Нефтяник» футболчилари ўртасида бўлган учрашув москволиклар фойдасига 3:0 ҳисоби билан тугади. Бу ўйиннинг натижаси турнир жадвалида жиддий ўзгариш ясади. Чунончи, спартакчилар қўлга киритилган икки очко билан «олтинлик»да колишни таъминлаган бўлсалар, «Нефтяник» кучлилар сафига кириш учун энди кейинги икки ўйинига умид боғлайди. Бу матч тошкентликларнинг турнир жадвалидаги холатини анча яхшилашга ҳам таъсир қилди. Ҳозир командаларнинг аҳволи қуйидагича:

БИРИНЧИ ГРУППА

	Ў.	Т.	О.
«Динамо» К	17	39—17	28
ЦСКА	18	28—8	27
«Шахтёр»	15	25—19	19
«Зенит»	17	29—20	18
СКА	18	29—25	17
«Молдова»	16	23—20	17
«Қайрат»	16	14—17	14
«Локомотив»	17	15—27	11
«Даугава»	17	14—26	11
«Спартак» Ер.	16	13—29	11
«Жальгирис»	15	10—31	9

ИККИНЧИ ГРУППА

	Ў.	Т.	О.
«Торпедо» М.	16	37—16	22
«Динамо» Тб.	17	26—15	22
«Спартак» М	16	35—17	21
«Динамо» М	16	23—13	21
«Пахтакор»	17	19—19	19
«Нефтяник»	18	23—23	17
«Беларусь»	17	16—20	14
«Авангард»	17	13—24	13
«Динамо» Л	17	13—34	13
«Крилья Советов»	17	19—28	11
«Торпедо» К.	16	17—32	11

Пойтахт биринчилиги учун

Шахматчиларнинг бир ой давом этган пойтахт биринчилиги биринчи ярим финал турнирида И. Бирбрагер голиб чикди. У 15 имкониятдан 13 очко тўплади. Кейинги икки ўринни К. Малиничев ва Е. Шварцман эгаллади.

Тошкент биринчилигининг иккинчи ярим финал мусобақаси кескин кураш билан давом этмоқда. Ҳозирча тўққиз турдан сўнг ёш биринчи разрядли шахматчи Б. Қосимов ва мастерликка кандидат Г. Бударин олдинда бормоқдалар. Улар 9 ўйиндан 8 тадан очко тўплашди. Мастерликка кандидат А. Шомаҳмудов 6 имкониятдан 5 очкога эга.

Тошкентлик шашкачилар муваффақияти

Рус шашкаси бўйича Харьков шаҳрида ўтказилган СССР биринчилигининг ярим финал мусобақасида тошкентлик мастерликка кандидат А. Грязнов катта муваффақиятга эришди. У мамлакатнинг кўпгина энг кучли шашкачилари устидан галаба қозонди. СССР спорт мастери Л. Хейф ҳам жуда яхши ўйнади. У СССР биринчилиги финалида қатнашиш ҳуқуқини олди.

И. БИРБРАГЕР.

Рекордлар янгиланди

Пойтахтдаги «Меҳнат» сув станциясида Ўзбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари шахсий-команда биринчилиги учун сузиш мусобақаси 4 кун давом этди. 200 дан ортиқ спортчи-республика чемпиони номини олиш учун мусобақалашди.

Кескин курашдан сўнг команда биринчилигини «Спартак» вакиллари эгалладилар. «Меҳнат» сузувчилари иккинчи, Армия спорт клуби командаси учинчи ўринни олди. Шахсий мусобақада яхши натижаларга эришилди. Жумладан Ўзбекистоннинг 5 та рекорди янгиланди, 30 спортчи биринчи разряд нормасини бажарди. Ёш спортчи Н. Орлов 200 метрга комплекс сузиш мусобақасида, катталар ўртасида эса спартакчи Т. Ҳолбоев 400 метрга комплекс сузиш мусобақасида рекорд қўйди. Армия спортчиси Н. Шальнев икки марта Ўзбекистон чемпиони номини олишга муяссар бўлди. У 100 ва 200 метрга чалқанчасига сузишда рекорд натижа кўрсатди. Армиячи Филиппов эркин услубда 200 метрга сузишда республиканинг янги рекордини қўйди.

Бу мусобақалар бизда яхши сузувчилар етишиб чиқаётганлигини кўрсатди.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Телевизор

5 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА:

Рус тилида: 18.30 — Биринчи синфда (мактабдан репортаж), 18.55 — Рақамлар ва фактлар, 19.15 — Комсомоллар сўзлайди, 19.55 —, Шарқ қўл ёзмалари хазинаси (телевизион очерк), 20.15 — Ажойиб кишилар ҳақида.

Ўзбек тилида: 21.15 — Рақамлар ва фактлар, 21.35 — Тошкент театрларида, 22.25 — Ўзбек оммавий қўшиқлари («Ўзбекистоннинг музика маданияти» цикли, дан).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Салониқи ватанпарварлари — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Етти шамолда — «МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Шамол тегирмони — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-45 минутгача).

Қўлга тушмас Ян — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-45 дан).

Сихрли най — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 4 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Ўғирланган бомба—ТЕЛЬМАН номли. «ШАРҚ».

Қўлга тушмас Ян —«ВАТАН», КАФАНОВ номли.

Ялек ва унинг президенти — ПУШКИН номли.

Салониқи ватанпарварлари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Шамол тегирмони — НАВОИЙ номли.

Мистер Икс — «УДАРНИК».

Камалак — «ПОБЕДА».

«УТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТОШКЕНТ ТРЕСТИГА

Бухоро, Қарши, Ангрен, Нукус, Самарқанд, Янгийўл, Термиз, Урганч шаҳарларида водопровод ва канализациянинг ташқи тармоқларини қуриш, темир йўллар қуриш ва ободончилик ихтисосларига доир

бош инженерлар, ишлаб чиқариш бўлимларининг бошлиқлари, инженерлар ва старший инженерлар, прораблар ва старший прораблар, ревизор старший бухгалтерлар.

керак

Йўл харажатлари меҳнат қонунларига мувофиқ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уй.

«ОБЛКООПСБИТСЕКЦИЯ ТОШКЕНТ КОНТОРАСИГА

сотувчилар, старший сотувчилар, склад мудири, экспедиторлар, лотокчилар, тайёрловчилар

керак

Мурожаат учун адрес: Жомий кўча, 5-уй (10-автобус, 6-троллейбусда борилади).

Чет элларда нима гап

ОЛИМЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ПАГУОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

ЛОНДОН, 3 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда олимларнинг қуролсизланиш, умумий хавфсизлик ва илмий ҳамкорликка бағишланган халқаро Пагуош конференцияси ўз ишини бошлади. Конференция ишида 38 мамлакатдан келган 200 га яқин фан арбоби қатнашмоқда.

Конференцияни Англиянинг илм-фан масалалари билан шуғулланувчи министри Хэйлшем очди. СССР, Англия, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Чехословакия, Гана ҳукуматлари бошлиқларининг, шунингдек БМТ бош секретари вазифасини бажарувчи У Таннинг табрикномалари ўқиб эшиттирилди. Конференция қатнашчилари бу номаларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

ЖАЗОИРДАГИ АҲВОЛ

ТУНИС, 3 сентябрь. (ТАСС). Жазоир пойтахтининг аҳоли энг кўп яшайдиган қисми — Касбада кеча кечқурун миллий озодлик фронти сиёсий бюросининг тарафдорлари билан 4-ҳарбий округ солдатлари ўртасида яна отишма бўлиб ўтди. Касбанинг турли қисмларига ёйилган бу отишма бир неча соат давом этди. Ўлганлар ва ярадор бўлганлар, шу жумладан тинч аҳоли ўртасида ҳам ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор.

Жазоирдан олинаётган хабарларга қараганда, миллий озодлик фронтининг сиёсий бюросини қувватлаётган миллий озодлик армиясининг қўшинлари 300 километргача чўзилган кенг участкада Жазоир шаҳрининг жануби ва ғарбига қараб ҳаракат қилишини давом эттирганлар. Жазоирнинг жанубидаги Боғхари районида операциялар айниқса жадал ўтмоқда. Бу районда 4-ҳарбий округ билан миллий озодлик армиясининг қуролли отрядлари бир-бирига рўпарама-рўпара турибди. 4-ҳарбий округ қўмондонлигининг баёнотига қараганда, Жазоир шаҳрининг ғарб томонидаги бир қанча участкаларда бугун эрталаб тўқнашувлар бўлиб ўтган.

Миллий озодлик фронтининг сиёсий бюроси кеча тарқатган хабарда таъкидланишича, сиёсий бюро «пойтахтда тартибни таъминлаш» ҳамда «4-ҳарбий округ офицерларининг исёнига хотима бериш» ҳақидаги даъват билан миллий озодлик армиясининг қисмларига мурожаат қилган, лекин «жазоирликларга қарши ўт очиш ҳақида» буйруқ бермаган.

Жазоир шаҳрининг ўзида, 4-ҳарбий округ қўмондонлиги комендант соатини қайтадан жорий қилишга қарор берганлигига қарамай, аҳолининг «Ўт очишни тўхтатинглар!», «Қон тўкиш бас қилинсин!» деган шиорлар остида намойишлари бўлиб ўтган.

Эронда яна ер қимирлади

ПАРИЖ, 3 сентябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Казвиндан (Эрон) хабар беради: Теҳроннинг ғарбидан 400 километр наридаги Ҳамадан районида яна зил-зила бўлди.

Эронда ер қимирлаш оқибатлари

ТЕҲРОН, 3 сентябрь. (ТАСС). Кейинги расмий маълумотларга кўра, Эронда ер қимирлаши натижасида қурбонлар сони 6 минг кишидан ортди. Вайронгарчиликлар кўп бўлганлиги сабабли қутқазиш командалари аҳоли яшайдиган бир қанча пунктларга етиб боролмаётирлар. Транспорт самолётлари зарар кўрган кишиларга дори-дармон ва озиқ-овқатлар ташламоқдалар.

Ер қимирлаган районда минглаб кишилар одатдагидан ташқари совуқ бўлган ўтган кечаси очиқ ерда ухладилар.

Теҳроннинг беморлар билан лиқ тўлган касалхоналарига зарарланган кишилар тўхтовсиз келтирилиб, полда, коридорларда ва хизмат биноларида жойлаштирилмоқда.

Эрон бош министри ва соғлиқни сақлаш министри фалокат юз берган районга жўнаб кетдилар.

Маҳаллий матбуотнинг берган хабарига кўра, ер қимирлаш эпицентри Теҳрондан 160 километр ғарбда жойлашган. Вайрон бўлган доира 60 минг квадрат километрни ўз ичига олади.

20 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди

ЛОНДОН, 3 сентябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Теҳрондан хабар беришича, бугун у ерда дастлабки расмий маълумотларга кўра, ер қимирлаш вақтида ҳалок бўлганларнинг сони 20.000 кишидан ортиқ эканлиги эълон қилинган.

Марксист олимларнинг халқаро учрашуви

Марксист олимларнинг ҳозирги замон капитализми проблемалари юзасидан фикр олишишга бағишланган учрашуви 3 сентябрда Москвада тугалланди. Европа, Осиё ва Америкадаги 20 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари давлат монополистик капитализмининг ривожланиши, «умумий бозор»нинг вужудга келтирилиши, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг аҳволи ва кураши билан боғлиқ масалаларни етти кун давомида муҳокама қилдилар.

Пировардида СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори академик А. А. Арзуманян ҳамда коммунистик ва ишчи партияларининг «Тинчлик ва социализм проблемалари» назарий ва информацион журналининг шеф-редактори А. М. Румянцевлар сўзга чиқди. Улар фикр олишув дўстона ижодий дискуссия характерида бўлганлигини ва бу дискуссия учрашув қатнашчиларининг ҳозирги замон капитализмига асосий проблемаларига қарашлари тамомила бир хил бўлганлигини аниқлади ва жуда самарали натижалар берди, деб таъкидладилар. (ТАСС).

АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги Африка мамлакатлари хотин-қизлари халқаро семинарининг бу ерга келаётган қатнашчиларини зўр хурсандчилик билан кутиб олмоқда. Гана, Тунис, Мали, Того, Гамбия, Сьерра-Леоне вакиллари шаҳар ҳаёти билан таниша бошлаганлиги илгари хабар қилинган эди. 3 сентябрь кечқурун Тошкентга келган Танганьика африкаликлари Миллий Озодлик Союзи хотин-қизлар секцияси раҳбарлигининг аъзоси, Бутунафрика хотин-қизлар конференцияси ижроия комитетининг аъзоси Дороти Кашайжа шу куни уларга қўшилди.

4 сентябрда меҳмонлар республика пойтахтидаги болалар муассасалари ва медицина муассасаларини кўздан кечирдилар. Улар 200, 212-болалар уйларида ва 3-туғруқхонада бўлдилар. (ЎзТАГ).

НОИНСОФЛАР

Тошкент шаҳрида қурилиш материаллари билан савдо қилувчи бир эмас, бир неча складлар бор. Мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Чунки бунақанги складлар борлиги ҳаммага маълум. Лекин ана шу складлардан бирор нарса сотиб олмоқчи бўлсангиз, уни ўз уйингизга ташиб олгунча, гапнинг очигини айтиб қўяқолай, транспорт масаласида жуда қийналасиз. Мен худди шу тўғрида гапирмоқчиман. Бу, эҳтимол, кўпчилик раҳбарларга маълум бўлмаса керак.

Тунов куни мен тўқимачилик комбинати яқинидаги ёғоч складидан 7 сўм 20 тийинга синч сотиб олдим. Транспорт сўраб база директори ўртоқ Абдурахмоновага мурожаат қилган эдим, у киши:

— Бизда машина бўлмайди, — дедилар.

— Нега машина бўлмас экан? Ёғочни қандай олиб кетаман?

Директор елкасини қисиб қўяқолди. Маълум бўлишича, бу складларнинг ихтиёрида қурилиш материалларини хонадонларга элтиб берадиган ҳеч қандай транспорт воситаси йўқ экан.

— Чатоқ-ку! — дедим мен бошим қотиб.

— Бўлмасам-чи,—деди сотувчи Юсуп ака, — мана шу машина туфайли бу ерда ҳар куни жанжал, машмаша...

Кўчадан ўтиб кетаётган йўловчи машиналардан бирини тўхтатиб, арзимни айтган эдим:

— 10 сўм берасиз, — деди шофер. — Ёғочингизни истаган жойингизга элтиб бераман.

Инсофни қаранг-а. 7 сўм 20 тийинлик ёғочни 10 сўмга элтиб берар эмиш... Афсуски, бошқа илож йўқ эди. Мен шофернинг айтганини беришга мажбур бўлдим. Ўша куни «ТНА 26—90», «ТНА 27—02», «ЕХ 64— 74» номерли машиналарнинг шоферлари ҳам ана шундай инсофсизлик билан киракашлик қилдилар, меҳнаткашларнинг пулини уялмай-нетмай шилиб олишди.

Менимча, бундай чайқовчиликка баъзи бир раҳбарларнинг ўзлари йўл очиб беришган. Агар ёғоч-тахта билан савдо қилувчи базаларга юк таксиларидан бир нечаси биркитиб қўйилганида, бундай аҳвол юз бермаган бўларди. Юзлаб меҳнаткашлар машина излаб, оворай-сарсон бўлмаган бўлишарди.

Мен тегишли ташкилотлардан, айниқса шаҳар транспорт бошқармасидан ана шу масалани чуқуроқ ўрганиб, тезроқ бирон чора кўришларини илтимос қиламан.

Мирзакарим ХАЛИЛОВ.
шахсий пенсионер.

ТЕКИНХЎРЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎК!

ТАЛОНЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикаси тайёрлаш цехининг бошлиғи А. М. Епифанов, бичиш цехининг бошлиғи З. П. Белова ва хомашё бўйича инженер З. А. Ривкинлар бир неча йилдан бери давлат мулкини талон-торож қилиб келишган. Фабрика мулкини кўп миқдорда ўғирлаб, фойдани ўртада «арра» қилиб юришган.

Узоқ вақт булар турли ҳийла-найранглар билан жиноятларини яширишга муваффақ бўлганлар. Лекин қинғир ишнинг қийиғи чиқди, уларнинг сирлари фош қилинди.

Бу юлғичлар фабрика қоровуллари билан тил бириктириб, турли газмолларни четга ошириб туришган. Ўғирланган моллар эса Янгиер район матлубот жамияти орқали сотилган. Собиқ Боёвут район матлубот жамияти сельпосининг савдо бўлими бошлиғи Т. Саидкаримов, омбор мудири А. Шайзақов, магазин мудири А. Исаев ва Боёвут сельпосининг раиси И. Н. Смирновлар юқорида айтилган ўғриларга ҳамтовоқ бўлишган.

Ана шу жиноятчилар тўдаси ўғирланган минглаб метр костюмлик материал, плашбоп брезент ва бошқа хил газмолларнинг пулини жиғилдонларидан ўтказиб юборганлар. Бу ўғирланган нарсаларнинг умумий миқдори 100 минг сўмдан ортиқдир. Фабриканинг бояги «учарлари» кўп моллари «яроқсиз» деб расмийлаштиришган, иқтисод қилинган материаллар ҳам четга оширилаверган.

Бу жиноий ишни очишда жамоатчилик тергов органларига яқиндан ёрдам берди. Уларнинг сигналлари асосида катта жиноят фош қилинди, янги-янги фактлар маълум бўлди. Тергов давомида яна шу нарса аниқландики, фабрикадан ўғирланган молларни сотиб берган Боёвут сельпосининг раиси Саидкаримов ва магазин мудири Ғ. Умуров ўтган йили 1789 килограмм кўк чойни Ўратепа шаҳрига олиб бориб пуллашган ва ўзлаштириб юборишган. Буқдан ташқари, ҳали сотиб улгуришмаган хилма-хил саноат моллари яшириб қўйилган жойлардан топиб олинди. Ҳатто 2 та юк машинасини ҳам сотиш учун беркитиб келишган экан.

Тошкент шаҳар прокуратурасининг бош терговчиси ўртоқ Углянов терговни олиб боришда жамоатчилик ёрдамига таянгани туфайли жиноят тўла фош қилинди. Тергов органига маълум бўлмаган баъзи ҳолатларни аниқлашда оддий кишилар катта ёрдам кўрсатишди. Фабрикада «раҳбар» лавозимларини эгаллаб олиб, давлат ва халқ мулкини талаётган бир тўда хиёнатчилар ва уларнинг сельподаги шериклари қамоққа олинди.

Жиноятчилар яқинда суд олдида ўз қилмишларига жавоб берадилар.

Т. ОРТИҚОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 02289. Нашр. Г. 1673.